

ДУНЁВИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ МУСТАХКАМЛАШ ЙЎЛИДА



Жорий йилнинг 31 январь кунини «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан <https://parliament.gov.uz/oz/regulation/35> сайтида муҳокама учун қўйилди.

Ушбу Концепция лойиҳасида белгиланган вазифалар мамлакатимизнинг дунёвий моҳияти билан фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бинобарин Ўзбекистон Конституциясининг 1-моддасида давлатимизнинг дунёвий эканлиги олий мақомда мустахкамлаб қўйилган. Давлатнинг дунёвийлиги нималарда ифодаланади?

Дунёвий давлат бу шундай давлатки, унда дунёвий ишлар диний ишлардан алоҳида ҳолда кечиши, таълим ҳам дунёвий билимлар беришга асосланиши ва одил судлов диний нормаларга эмас, амалдаги фуқаровий қонунларга

асосланиши баробарида фуқароларга дин ва виждон эркинлиги, яъни истаган динига эътиқод қилиш ёки диний эътиқоди, ибодат ва расм-роҳумларини амалга ошириши учун шароит яратиб берилиши билан тавсифланади.

Асосий Қонунимизнинг 35-моддасида «Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар қим ҳоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деб мустахкамлаб қўйилган.

Ваҳоланки, дунёвий давлатда расмий ўрна тиланган ва ҳамма эътиқод этиши керак бўлган дин бўлмайди, диний ташкилотлар давлатдан алоҳида, ажралган тарзда фаолият олиб боради, барча диний ташкилотлар давлат, қонун ва суд олдида тенг бўлади, виждон эркинлиги — дини ва эътиқодидан қатъий назар барча фуқароларнинг тенглиги таъминланади.

Айтиш жоизки, динга ва диний эътиқодга бундай муносабат доимо ҳам юртимизда ҳукм сурмаган. Ёши катта, аввалги тузум шароитида яшаган ҳамюртларимиз бунга гувоҳ бўлишган. Гарчи ўша пайтда амалда бўлган Конституцияда фуқароларнинг виждон эркин-

лиги мустахкамлаб қўйилган бўлса-да, амалда вазият бутунлай бошқача бўлган. Ёш авлодга кучли атеизм (динсизлик) мафқураси сингдирилган. Намоз ўқиш ва рўза тутиш каби ибодатларни амалга ошириш осон кечмаган. Айниқса, партия аъзоларига диний эътиқод бўйича чекловлар кучли бўлган.

Шу боис ўша даврни кўрган авлод учун мамлакатимизда амалга оширилаётган виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўзгача мазмун ва моҳият касб этади.

Дарвоқе, юқорида қайд этилган қонун лойиҳасида кўрсатилганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб 2300 дан ортиқ диний ташкилот эркин фаолият юритмоқда, 130 дан зиёд миллатлар ва эллатлар вакиллари истиқомат қилмоқда, давлат томонидан 7 тилда таълим олиш имконияти яратилганлиги, 12 тилда журналлар чоп этилаёт-

керак. Бинобарин, унда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари, виждон эркинлиги ҳуқуқини ва мамлакатимизнинг дунёвий давлат эканлигига оид конституциявий нормаларни амалга ошириш ва диний соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади, вазифалари, принципларини ҳамда устувор йўналишларини белгилайди.

Айтиш жоизки, мазкур Концепция лойиҳаси миллий давлатчилигимизнинг бой тарихий тажрибаси ва бутун дунё халқлари учун умумий бўлган муҳим умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда тайёрланган. Ушбу нуфузли ҳужжат лойиҳаси бугунги кунда мамлакатимизда ҳукм сураётган миллий ва диний бағ-



ганилиги, 155 та миллий-маданий марказ эркин фаолият олиб бормоқда.

Шу нуктаи назардан олганда мамлакатимизда фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва унинг муҳокамага қўйилганлиги муҳим иқтисодий воқеа сифатида эътироф этиш

рикенглик, турли миллатлар, турли конфессиялар ўртасидаги ўзаро тотувлик ва шу асосда келажак сари ривожланишни таъминлашга қаратилган.

(Давоми 2-бетда)

МАТБУОТ — РИВОЖЛАНИШ ОЙНАСИДИР

«Дунёдаги исталган давлатда бизнеснинг қай даражада тараққий этганлигини у ердаги ОАВнинг ривожланиши билан ўлчаса бўлади. Матбуот — ривожланиш ойнасидир. Бошқача айтганда газета — бу жамият тараққиётининг индекси ҳисобланади.

Бироқ ҳар қандай шароитда матбуот ташқи ёки ички иқтисодий кўмаксиз ўзича фаолият юритиши қийин. Журналистика соҳаси амалиётда бизнес ёки сиёсат билан биргаликда, ҳаммадан кўра, тенг ҳамкорликка таянган ҳолда эркин фаолият юритиши мумкин.

Шундай экан, газеталарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи бизнес доиралар, нодавлат-нотижарат ташкилотлар ёки ҳукумат институтлари албатта бўлиши керак».

К.Шривастава,

Ҳиндистон оммавий коммуникациялар институти профессори.

ИШГА ҚИРИШДА СИНОВ МУДДАТИ

Фуқаронинг ишга қабул қилинишида синов муддатини белгилаш аънана тусига кирган. Хўш, бу жараён кимларга татбиқ этилмайди? Агарда аёл ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бўлса синов муддати белгиланмайди. Бундан ташқари,

-уч ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган ота (васий);

-заҳирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар;

-давлат грантлари асосида ўқиган ва олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан уч ой ичида йўллама бўйича олинган мутахассисликка доир ишга қираётган олийгоҳ битирувчилари;

-тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан бир йил ичида биринчи бор ишга қираётганда олинган мутахассислиги бўйича мустақил равишда ишга жойлашадиган умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;

-ўзта билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилаётган ходимлар;

-18 ёшга тўлмаган шахслар;

-ишга қайтадан қабул қилинган тақдирда иш берувчи илгари қайси ходимлар билан меҳнат шартномасини алоҳида асослар билан бекор қилган бўлса ўша шахслар;

-ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномаси бўйича ушбу иш берувчида ўқитиш ўтаган ўқувчилар;

-жамоа келишувларида, шунингдек, жамоа шартномасида ва иш берувчининг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ходимларга ҳам бундай имконият бериш ўз қучида қолади.

Хуршид ШАРИПОВ,

туман адлия бўлими ДХМнинг етакчи мутахассиси.

«САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ» ДАН ОЛТАН ТААССУРОТЛАРИМ

Тумандаги 1-сон умумтаълим мактабининг 1-синфида таҳсил олаётган неварам Нурмуҳаммадхон кўнғироқ қилиб: «Опаңа, (у менга «Опаңа» деб мувожаат қилади-Д.Й) эртага мактабда бизнинг байрамимиз, албатта келинг, кутаман» деган тақлифини эшитиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Мевасидан данаги ширин, деганларидек, яна бир неварам «Алифбо» сабоқларини муваффақиятли ақунлаганидан фахрландим.

Дарвоқе, тақлифини тағида «нимкоса» турганлигини ҳам ўзимча тасаввур қилиб, мабодо боролмай қолсам неварамнинг қай аҳволга тушишини тасаввур қиламан. Ахир тақлиф бежизга эмас-да, байрам тадбирида у албатта шеър ўқийди, рақсга тушади, тенгдошлари билан сахнада рол ўйнайди. Момосига мактангиси, мактов эшитгиси келяпти, неварамимам...

Мўъжазгина совғани олиб, неварам ва унинг тенгдошлари қувончига шерик бўлишга ошиқдим. Яқиндагина қайта реконструкция қилиниб, янада файз кирган мактабга киришим биланок бу ердаги байрамона шўхуқ, байрамона ўзига хос таратқилни ҳис қиламан. Айниқса, мактаб залида алоҳида тароват ҳукмрон. Устозлар, ота-оналар, ўқувчилар, барча ҳаяжонда. «Алифбо» сабоқларини аъло баҳоларда яқунлаб, илк саводхонлик синовларидан ўтаётган талабаларга билим берган устозларни-ку айтмасам ҳам бўлади. Гуё улар ҳам ўз талабалари қаторида ўзига хос синовдан ўтаётгандек туюлади назаримда...

Ўзбекистон Республикаси мадҳияси билан бошланган маданий-маърифий тадбирни мактаб директори Ш.Равшанов очиб, 1-синф ўқувчиларининг кейинги ўқишлари ҳам омад тилади. Биз ота-оналар, бува-бувижонларга домланинг ушбу таълим даргоҳининг тарихи, ўтмиши ва бугуни ҳақида қисқача сўзлаб, бу ҳақда эндигина илк «Алифбо» сабоқларини олган ўқувчиларга батафсил маълумот бериб ўтгани, очиги, жудаям манзур бўлди.

Дарвоқе, мактаб директори берган маълумотдан англадимки, 1-умумтаълим мактаби олий тоифали ўқувчилари сони жиҳатидан туманда энг юқори поғонада экан. Ўқувчилар ўртасида ўтадиган олимпиада ғолиблиги натижаларига кўра эса иккинчи поғонада. Мана шундай яхши кўрсаткичларга эга таълим масканида ўқийётган неварам ва унинг тенгдошлари, шўбҳасиз, албатта келгусида яхши натижаларга эришишлари ишончим комил.

Ушбу мулоҳазаларни ҳаёлимдан ўтказиш асносида

беҳтиёр саҳнага, болажонларга эътибор қиламан. Қандай бахтли онлар... Уларнинг ижролари ҳам, саҳнадаги ҳатти-ҳаракатлари ҳам ўзларидек беғуборгина. Завқ-шавқ билан шеърхонлик қилишяпти. Бир пас-



АЛИФБО (Қизимга)

«А» харфини ўрганиш-чун авваламбор, «Ассалом»ни такрорлашнинг зарур қизим. Бу дарс эмас, насиҳат ҳам эмас зинҳор, Бу эътиқод, бу тарбия, гурур, қизим.

Бир маҳаллар ўша харфни ўргансин деб, Қўлимизга айик расмин тутказганлар. Инсон эмас, махлук билан юзлаштириб, Тарбияда бир нимани ютказганлар.

Кун келади — четга чиқиб ҳою ҳавас, Ҳаммасини эзгуликка йўядилар. «Алифбо»нинг аввалида айик эмас, Алла айтган аёл расмин кўядилар.

Шунда севинч билан кулиб кўз қароғим, Хаволарга ҳайф бўлмади нолам, дейман. Алпомишга «А» кетади қизалогим, Барчининг «Б» кетади болам, дейман.

дан кейин шеърят баҳси қўшиқ, мусиқа ва рақс-ларга уланади. Кечагина мактаб остонасидан ҳадик-сираб, атрофдагилар, ўз тенгдошлари, ҳатто устозлардан тортиниб кирган болажонлар мана, бугун бир-бирига қўл беришиб, бийрон-бийрон «сайрашаппти». Саводхонликнинг илк босқичидан муваффақиятли ўтиб, гўёки энди катталар даврасига тушгандек, таълимда бир поғона илгариланганларини ич-ичларидан сезгандек ҳаракат қилишади.

Азиз муштарийлар!

Обуна бўлиш бевосита газета муҳарририяти орқали амалга оширилади. (Агробанкдаги ҳисоб рақами: 2 0 2 1 0 0 0 0400429681001, ИНН:202173689)

БОЙСУН

2025 йил учун «БОЙСУН» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Йиллик обуна баҳоси — 270000 сўм.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА



борот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда миллий либослар тарғиботида оид турли материаллар, видеороликлар пешма-пеш пайдо бўлаётгани фонида кенг жамоатчилик орасида миллий либосларга эътибор, миллий либосларга қайтиш мавзуси яна кўтарила бошландики, бу ҳолат биз юқорида таъкидлаб ўтган миллий қадриятлар, миллий либосларимиз тақдирига оид шўбҳаларни бир қадар тарқатиб, кўнгилларини бир қадар равшан тортирадиган, беихтиёр. Энди мана шу тарғибот тадбирлари қанот ёзиб, ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона-ю, таълим муассасаларига кириб келса аини муддао бўларди.

Таълим муассасамиз жамоаси биринчилардан бўлиб ушбу ҳаракатни қўллаб-қувватлаган ҳолда талабаларимиз иштирокида «Миллий қадриятлар ва уларнинг миллат маънавиятидаги



қўшувчи ироқи дўппиларимизни бутун дунёда эътироф этиб туришса-ю биз «бегона» либосларга ҳавас қилмас...

Ҳар қандай миллат ва халқни ўзгалардан ажратиб турадиган ўзига хос унсурлар бор, албатта. Уларнинг энг муҳимларидан бири бу — сўзсиз миллий либосдир. Тилсиз миллат бўлмаганидек, миллий либоссиз ҳам миллат бўлмайди. Жамоамиз томонидан ўтказилган мўъжазгина тадбир давомида биз бунга яна бир қарра амин бўлдик. Зеро, миллий қадриятларни қадрлаган халқ ўзини ҳам, келажagini ҳам қадрлай билади деган нақл ҳам шундан.

Санобар ТОШКУЛОВА,

Бойсун туман 2-сон политехникумининг ёшлар ишлари бўйича директор ўринбосари.

(Боши 1 -бетда)

Мазкур Концепция лойиҳасининг “Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари”га бағишланган бобида қатор соҳаларда дунёвийликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган. Жумладан, давлат бошқарувида дунёвийликни таъминлаш масаласи бўйича кўзда тутилган вазифалар мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам давлат хизматчилари давлат номидан, бутун аҳолининг, жамиятнинг умумий манфаатларини кўзлаб фаолият олиб борадилар, тегишли давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қиладилар. Шу сабабдан, давлат хизматчиларининг диний қарашлари уларнинг шахсий муносабати бўлиб, хизмат вазифаларини бажаришга у ёки бу тарзда таъсир этмаслиги, яъни умумий манфаатларига зид келмаслиги керак.

Бундан ташқари, иқтисодиётни ривожлантиришда дунёвийлик ҳам жамият ривожланиши, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Иқтисодий қарорлар эса фақат аниқ илмий маълумотларга, амалий тажриба хулосаларига, ҳолисона таҳлилга асосланган ҳолда амалга оширилиши зарур ҳисобланади. Ваҳоланки, иқтисодиёт соҳасидаги қарорлар ва уларнинг амалга ошиши бевосита ривожланиш ва турмуш фаровонлиги билан бевосита боғлиқлигини доимо ҳисобга олиш зарур.

Таълим соҳасидаги дунёвийлик эса бевосита ёшларни чинакам илмий билимлар олиши, ҳаётда керак бўладиган кўникмаларни эгаллаши, умуминсоний қадриятларни ҳамда ватанпарварлик хиссини қалбига жо қилишини таъминлаши керак. Ёшларда дунёвийлик ва виждон эркинлиги ҳуқуқини чуқур тушунишларида, улар ўртасидаги нозик нисбатни тўғри англашларида диншуносликка оид предметларни малакали ўқитувчилар томонидан юқори савияда замонавий ёндашувлар асосида ўқитилишини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этади, бундай ёндашув ёшларда тўғри илмий ва диний дунёқараш, диний бағрикенгликнинг шаклланишига хизмат қилади.

Дунё давлатчилиги тарихида аҳоли рўйхатини олиш ҳар қандай мамлакат тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланиб, у маълум муддатларда ўтказиб келинган.

Аҳолини рўйхатга олиш — белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш бўлиб, бу жараён республикамиз бўйлаб муайян ҳудудларда ҳар ўн йилда бир марта ўтказилади. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисидаги тақлиф ҳукумат томонидан Президентга, қоидага кўра, режалаштирилган санадан 3 йил олдин киритилади. Мазкур жараёнининг юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз демографик ўзгаришларини назорат қилиш ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни барқарорлаштириб боришдаги муҳим аҳамияти эътиборга олиниб, унинг ҳуқуқий асослари, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги (16.03.2020 йилдаги УРК-611-сонли) Қонуни қабул қилинган.

Аҳолини рўйхатга олишдан асосий мақсад аҳоли таркибининг ҳолати ва ривожланиш динамикаси х а қ и д а мамлакатни с о ц и а л -иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ишончли ва ҳолис ахборотни олишдан иборат. Қонун бўйича аҳолини рўйхатга олиш дастури лойиҳасини ва рўйхатга олиш ҳужжатларининг шаклларини, шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда бошқа тадбирларни синовдан ўтказиш мақсадида синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Бу жараёни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Респондентлар яшайдиган (турадиган) турар жойларни айланиб чиқиш чоғида ёҳуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу мақсадлар учун бериладиган хоналарда рўйхатга олиш варақаларини тўлдирish орқали респондентлар сўрови ўтказилади. Бунда аҳоли хавфсизлиги таъминланган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мумкин.

Ўтказилган рўйхат олиш натижаларига кўра ййғма статистик ахборот шакллантирилади. Аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатининг асосий кўрсаткичлари фойдаланиш учун очикдир ҳамда улар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Маълумот учун таъкидлаш жоизки, Бойсун туманида 2025 йилнинг 1 январь ҳолатида доимий яшовчи аҳоли сони — 127078 нафарни, шу жумладан, эркаклар — 65102 нафарни, аёллар — 61976 нафарни ташкил қилади.

Анвар САИДОВ,
Бойсун туман Статистика бўлими бошлиғи.

Баъзан инсон қилаётган ишининг, агар у жиноий ҳаракат билан боғлиқ бўлса, оқибатларини идрок этмай, англамай ҳам жиноятга йўл қўйиши ёки шерик бўлиши мумкин. Аммо афсуски жиноятга қўл урувчи кимсаларнинг аксарияти қилаётган ишининг оқибатлари, хусусан жиноий ҳаракларининг оқибати аянчли тугашини билиб турса-да, барибир уни охиригача етказишдан ўзини тия билмайди.

Қилмишига биноан суд ҳукми билан жазога тортилган ва айни пайтда панжара ортида жазо муддатини ўтаётган Аҳмаджон Турдиев (исм-шариф ўзгартрилди) ана шундай кишилар тоифасидан. У осон йўл билан бойиш илинжида қўл урган қинғир иши жамият учун ҳам, ўзи ва оиласи учун ҳам ижтимоий жиҳатдан хавфли эканлигини англаган ҳолда жиноятга қўл урди. Давлатимиз қонунчилигига биноан ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррарлиги тамойилини менсимайди. Оқибатда унинг Фарғонада режалаштирган ва Ўзбекистон-Қирғизистон чегаралари яқинида бошлаган жиноий режаси Сурхондарёда, Бойсун тумани ҳудудига келиб ўз якунига етмай фoш бўлди.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра гиёҳванд моддалар қаторида бошқа кучли таъсир қилувчи моддаларни (дори воситаларини) ўтказиш, сотиш ва сотиб олиш қатъиян тақиқланган. Аҳмаджон Турдиев гарчи буни жуда яхши билса-да, мўмай даромад илинжида шерик излашга тушди. Кўр-кўрни қоронғуда топади, дейилганидек, шерик топиш ҳам унчалик қийин бўлмади. Аввал қўшни қирғизистонлик таниши, Абдурасул исмли шахс билан келишиб контрабанда йўли билан “Тропикамид” ҳамда “Регален” кучли таъсир қилувчи моддаларни Ўзбекистонга киритишни амалга оширди. Бунинг натижасида қўшни республикадаги “таниши” 1673 дона (167, 7 грамм) “Тропикамид” ҳамда 160 конвалютда бўлган 672 грамм (кўп миқдордаги

Ваҳоланки, мамлакатимизда диний таълим ривожига муносиб эътибор қаратилиб келинмоқда. Ўзбекистонда тўртта олий ислом таълим муассаси, ўнта ўрта махсус ислом таълим муассаси, жумладан, икита аёллар мадрасаси, шунингдек, православ ва протестант семинариялари ишлаб турибди. 2018 йилда ташкил этилган Ўзбекистон халқаро ислом академиясида юқори малакали профессор-ўқитувчилар дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштириш, диний соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида фаолият олиб бормоқдалар.

Тиббиёт йўналишида дунёвийликни таъминлашда, назаримизда, халқимизнинг тиббий онг ва тиббий маданиятини ривожлантириш масаласи муҳим ўрин тутади. Шу ўринда кейинги вақтларда аҳоли орасида айрим “табиблар”нинг пайдо бўлиши, уларга мурожаат қилишнинг кўпайиши ҳоллари муайян даражада хавотир уйғотади, албатта. Айрим табибларнинг даволаш усулларининг бемаънилиги очик кўриниб турган ҳолатларда ҳам унга мурожаат қилувчилар сонининг мавжудлиги — тиббий саводхонлик масаласида қилинадиган ишлар анча эканлигидан далолат беради.

Маданият йўналишида дунёвийликни таъминлашда, айниқса, миллатлараро, конфессиялараро муносабатларда бағрикенгликни, аҳолининг умумий маданиятини, жумладан, дунёвий ва диний онги ва маданиятини тўғри, ҳолисона шакллантиришда санъат асарларининг роли бекиёс, десак, муболага қилган бўлмаймиз. Айни чоғда ёшларни бағрикенглик руҳида тарбиялашда улар орасида урф (трендда) бўлган шакл ва услублардан фойдаланиш катта амалий аҳамият касб этади. Ижтимоий тармоқларда кечаётган муносабатларда бағрикенглик,

Касбий стресс (касбий куйиш) — бу узоқ вақт давомида юқори стресс, ортиқча иш юклагаси ва ҳиссий чарчок натижасида юзага келадиган руҳий ва жисмоний ҳолатдир. Касбий куйиш шахснинг ўзига нисбатан қизиқиш ва мотивациясининг йўқолиши, ўз ишига бефарқ ёки салбий йўналишга олиб келади.

Агар касбий стрессга биологик жиҳатдан таъриф бериладиган бўлса, уни инсон ташқи ва ички омилларга бўлган психологик ва физиологик таъсирига бўлган жавоб, тананинг мослашувчанлик ҳолати деб ҳам айтиш мумкин. Яъни, стресс хавфини олдиндан сезиб, организмни ўзига хос жавоб беришга тайёрлайди.

“Стресс” сўзи инглизчадан таржима қилинганда “босим, юк, таранглик, зўриқиш” деган маъноларни англатади. Илмий номланиши 1936 йилда канадалик физиолог олим Ганс Селы томонидан муомалага киритилган.

Стресснинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари ҳам турлича ва ўзига хосдир. Жумладан, унинг энг хавфли турларидан бири — бу “Дистресс” бўлиб, инсон саломатлигига зарар етказадиган турлардан бири ҳисобланади. У узоқ давом этадиган муаммолар туфайли юзага келади.

Эўстресс (ижобий стресс) қисқа муддатда кучланиш ва мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Кроник стресс (узоқ муддатли стресс) эса узоқ давом этадиган, инсонга сезиларли лаборатория стресс тури ҳисобланади.

Стресснинг барча турлари, жумладан, касбий стресс, агар унинг олди олинишига ҳаракат қилинмаса инсон ҳаёти ва фаолияти учун нохуш оқибатларни пайдо қилиши муқаррар. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзида стресс ҳолатлари пайдо бўлганда унинг олдини олиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши лозим. Бунинг учун ушбу муаммони бартараф этишга қаратилган махсус стратегиялар ҳам мавжуд бўлиб, ундан ҳар бир шахс индивидуал тарзда ҳам фойдаланиши мумкин. Жумладан, ушбу стратегияга мувофиқ касбий куйишнинг олдини олиш учун: меҳнат ва шахсий ҳаёт балансини сақлаш; ишдан ором олиш ва қайта тикланиши; ўз ишига қизиқишни қайта тиклаш ва ўз олдига янги мақсадлар қўйиш; стрессни бошқариш усулларини ўрганиш каби тамойилларга амал қилиш уларни ўз ҳаёт тарзи ҳамда фаолиятига татбиқ қилишни йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, стресснинг олдини олиш учун яхши ечим топиш сизнинг организмнгизни стресс таъсирларидан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Жумладан, сиз ҳар кун 15 дақиқа давомида нафас олиш машқлари, 15 дақиқача мушакларни энгиллаштириш

КАСБИЙ СТРЕССГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ



машқларини бажариш билан аъзоларингиз стрессдан кутулишига ёрдам берган бўласиз. Вақтингизни бошқариш (жумладан, уни беҳуда ишларга сарфламаслик), доимий мулоқотда бўлиш ҳам стрессдан холи бўлиш учун ижобий ёрдам беради. Айниқса, тинчлантирувчи машқлар бажариш, яхши мусиқа тинглаш, очик ҳавода сайр қилиш, тез-тез танавфус қилиш, спорт билан шуғулланиш, саёҳатга чиқиш, яхши дўстлар ва оила даврасида бўлиш ҳам сизни руҳий зўриқишлардан холи қилишга кўмак берувчи самарали омиллар ҳисобланади.

Бугунги ҳаёт тарзимизда инсон энг кўп стрессларни асосан иш фаолияти давомида олишини эътиборга олган ҳолда биз кўпроқ касбий стресс ва унинг олдини олиш ҳақида баъзи бир фикрларни билдирдик. Таъкидлаш жоизки, ҳеч бир инсон (айниқса, доимий иш билан банд инсон) ўз фаолияти давомида стресс ҳолати пайдо қилиш мумкин бўлган вазиятга тушиб қолишдан холи бўлмайди. Шунинг учун ҳам хоҳ иш жойингизда, хоҳ оила муҳитида сиз стрессга дуч келсангиз иложи борича уни тезроқ бартараф этишга ҳаракат қилинг. Агар бу масалага индивидуал (ўзингизча) ёндашишга қийналсангиз психолог-мутахассисларга мурожаат қилинг. Жумладан, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказида фаолият кўрсатаётган психологларни ҳудудлар, жумладан, маҳаллаларда ўтказётган тадбирлари ва машғулотларида иштирок этиб, ўзингизни қийнаётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қилинг.

Нилуфар ЮСУПОВА,
Бойсун туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг маҳаллаларда комплекс хизмат кўрсатиш бош мутахассис психологи.

ЭНДИ ҲЕЧ КИМ НОМИНГИЗГА КРЕДИТ РАСМИЙЛАШТИРА ОЛМАЙДИ

Кейинги пайтда фирибгарлик йўли билан ўзгалар номига кредит расмийлаштириб, ўзлаштириб юбориш жиноятлари оммалашиб бораётгани сир эмас. Бу каби фирибгарликлар ортидан қанчадан-қанча фуқаролар айбсиз айбдор бўлиб қолишаётгани, айниқса, ачинарли ҳол.

Эндиликда, фуқароларга банк-молия хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш ва кафолатлаш мақсадларида олиб борилаётган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳеч ким бошқа бировнинг номига кредит расмийлаштира олмайдиган тизим яратилди. Бунинг учун сиз кредит тарихингиз текширилишини чеклаб қўйишингиз киёфа.

Хусусан, турли фирибгарликларни олдини олиш мақсадида кредит тарихи текширилишини чеклаш хизмати ишга туширилди. Табиийки, агар сизнинг кредит тарихингиз текширилиши чекланган бўлса, ҳеч ким номингизга кредит расмийлаштира олмайдди. Кредит-ахборот тахлилий марказий портали ҳамда ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фуқаролар томонидан ўзига-ўзи кредит олишни тақиклаш имкони жорий этилгани ўзгалар номига кредит олувчи кибержиноятчилардан сизни ишончли ҳимоя қила олади.

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ёки кредит-ахборот тахлилий маркази порталига (portal.infokredit.uz) кириш ва авторизациядан ўтиш лозим. Сўнгра СМС — ахборот функциясини ёқиш талаб этилади. Шундан сўнг “freese” хизматиани ишга тушириб, кредит тарихи олишни чеклашни фаоллаштириш керак. Хизматни ўчириш ҳам мумкин, бунда онлайн кредит олиш имконияти тикланади.

Мазкур хизмат ёқиб қўйилса, ҳеч ким (кредит-молия ташкилотлари) фуқаронинг кредит тарихи билан боғлиқ маълумотларни олмайдди. Натижада кредит ташкилотлари фуқаронинг кредит тарихини онлайн ўргана олмайдди ва кредит ажратиш имконсиз бўлади.

Ҳикматилло УМАРОВ,
Бойсун туман Давлат хизматлари маркази бош мутахассиси.

Ш.НИЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

Ф.РАХМАТУЛЛАЕВ,
бошқарма катта прокурори.

ФАН ТЎГАРАКЛАРИНИНГ СИНФДАН ТАШҚАРИ БИЛИМ ОЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мактабларда фанларга оид тўғаракларни ташкил этиш ва уларга ўқувчиларни жалб этиш мактаб таълими тизимидagi энг муҳим амалиётлардан бири саналади. Бу амалиётни жорий этиш ва омалаштириш орқали биз таълим сифатини янада яхшилаш ҳамда талабаларнинг асосий дарсдан кейинги бўш вақтлари-
дан самарали фойдаланишни татбиқ этган бўламыз.



Бугунги кунда мактаб таълими тизимида энг омалашган тўғараклардан бири бу — математика тўғараклари бўлиб, унинг асосий вазифаси метематика фанига алоҳида қизиқиши бўлган ўқувчилар билан бажариладиган чуқурлаштирилган вазифалардан бири ҳисобланади. Тўғарак асосан ихтиёрий равишда тузилади ва уларда қатнашувчи ўқувчилар сони 15-20 нафардан ошмаслиги керак, акс ҳолда ўқитувчига қийинчилик туғдириши, қолаверса, тўғарак фаолиятининг самардорлик даражаси пасайиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, математика фани тўғаракларида ўргатиладиган материаллар мазмуни ва ҳажмини чегаралаб қўйиш қийин. Бунда мактаб шароити ва ўқитувчининг тайёргарлигига қараб тўғаракларда турли хил тарихий, назарий ва амалий материалларни ўрганиш мумкин. Энг муҳими, мактабда математика тўғараги фаолияти мавжуд бўлса, синфдан ташқари ишларнинг бошқа ҳеч қайси шаклига зарурат бўлмайди, чунки математика фани бўйича ишларни ташкил қиладиган фаоллар асосан тўғарак аъзоларидан иборат бўлади ва улар математикага оид барча синфдан ташқари ишларни амалга оширишни ўз зиммаларига ола беришади.

Мен фаолият олиб бораётган тумандаги 4-умумтаълим мактабида ҳам юқоридagi талабаларга асосан “Ёш математиклар” тўғараги ташкил этилиб, бугунгача фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўғаракда, асосан математика фанига алоҳида қизиқувчи болалар қамраб олинган бўлиб, асосий дарслардан кейин олиб борилаётган машғулотларини рўйбга чиқариш, чуқурлаштирилган даражада қўшимча билим олиш ва тажрибаларини оширишларида алоҳида аҳамият қаратилади. Бунда, асосан амалий ишларга кўпроқ эътибор қаратилади, бу амалиёт ўз навбатида ўқувчиларда математика фани бўйича кўпроқ мустакил ишлашлари, одатдаги мактаб дастурлари доирасидан ташқаридаги манбалар билан ишлаш, яъни машғулотларга ижодий жиҳатдан ёндашиш кўникмаларини шакллантириш шубҳасиз. Тўғарак машғулотларини сифатли даражада олиб боришда тажрибали математик устозлар Ж.Нормаматов, Б.Мухаммадиев, Л.Қулмаматова, С.Ҳайдароваларнинг ўзаро ҳамкорлиги эса тўғарак-

лар самарадорлигини таъминлашга ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари билан ҳам ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга хизмат қилмоқда ва бу ўқувчиларнинг математика фани соҳасида қўлга киритаётган ютуқларида акс этмоқда. Айниқса, математика тўғаракларида “Мастер класс” усулидан фойдаланиш самараси алоҳида кўзга ташланадики, бу йўналишда бошқа фан тўғаракларида ҳам сезиларли самарадорликка эришиш мумкин.

Дарвоқе, фан тўғаракларининг мактаблар қошидаги бошқа тўғараклар ва клублар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам синфдан ташқари машғулотлар сифатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, бизнинг “Ёш математиклар” тўғарагимиз мактабимизда Элёр Жалилов раҳбарлигида фаолият кўрсатиб келаётган “Заковат” интеллектуал клуби билан доимий ҳамкорликда бўлиб келади. Мазкур клубга ёш ўқитувчилар ҳам талабалар ҳам жалб этилган бўлиб, улар орасида математика ўқитувчилари ва математика фанига алоҳида қизиқувчи ўқувчиларнинг ҳам мавжудлиги фикримиз далилидир. Шунингдек, Элёр Жалилов раҳбарлигида ташкил этилган яна бир клуб — “Ёш ихтирочилар” клуби ҳам, устоз Салима Хурсандова бошчилигидаги “Ёш физиклар” тўғараги, Зебо Хўжаева ҳамда Муҳайё Рамазоновалар бошқараётган “она тили” тўғараги аъзолари ҳам ўз йўналишлари бўйича дарсдан ташқари соатларда чуқурлаштирилган таълим олиш имкониятига эга бўляптилар. Қувонарли жиҳати шундаки, фан олимпиадалари ва бошқа турдаги фан мусобақаларининг туман, вилоят, республика bosqichlarida иштирок этиб, 1-2-3-ўринларни олаётган ўқувчиларнинг асосий қисмини айнан фан тўғараклари аъзолари ташкил этади. Шунинг қўйиқ мактаблар-



да фан тўғаракларининг нечоғли муҳимлигини кўрсатиб турибди. Мактабимиз қошида ташкил этилган “Ёш математиклар” тўғараги 2024-2025 ўқув йили давомида ҳам ўз олдига қўйилган вазифа ва мақсадлар доирасида иш олиб бормоқда. Айни пайтда тўғарак аъзоларига дастурий вазифалардан ташқари уларнинг ўз ихтиёрлари асосида ўрганаётган математика фанига оид бошқа китоблар ва дастурлар доирасида машғулотлар ўрганиш, уларнинг математика фанини чуқур ўрганишлари учун маълумот кидириш ва топшиш диапазонларини кенгайтиришга амалий ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз.

Бу амалиётлар ўз самарасини бериб, тўғарагимиз аъзолари орасидан келгусида таниқли математиклар етишиб чиқишига ишонамиз, албатта.

Бахтиёр МУХАММАДИЕВ, Бойсун туман 4-умумтаълим мактабининг 1-тоифали математика ўқитувчиси.

O'QISHGA MARHAMAT!



9 SINIF BITIRUVCHILARI UCHUN

1. Avtomobillarni ta'mirlash va ularga xizmat ko'rsatish (DUAL TA'LIM SHAKLI)
2. Elektromobillarga xizmat ko'rsatish va ta'mirlash
3. Tikuvchi
4. Avtomobillarni ta'mirlash va ularga xizmat ko'rsatish (KUNDUZGI TA'LIM SHAKLI)
5. Raqamli axborotdarni qayta ishlash ustasi
6. Maishiy texnika jihozlariga xizmat ko'rsatish va ta'mirlash

ENG KATTA IMITYOZLAR

O'qish davomida o'quvchilar yotoq joy bilan ta'minlanadi o'qish yakunida davlat namunasidagi diplom hamda Avtomobil yo'nalishidagilarga "B" va "BC" toifada haydovchilik guvohnomasi beriladi. O'qishni imtyozli diplom bilan tugatgan o'quvchilar mutaxassisligi bo'yicha barcha oliy o'quv yurtlariga suhbat asosida 2-kursdan o'qishga qabul qilinadi.

POLITEKNIKUMNING MANZILI Boysun tuman "Mustaqilik" MFY, "Ostona" ko'chasi 1-uy

"Hayot davomida ta'lim olish"

11 SINIF BITIRUVCHILARI VA UNDA YUQORI YOSHDAGILAR UCHUN

1. Avtomobil transportida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash (KUNDUZGI TA'LIM SHAKLI)
2. Buxgalteriya hisobi va audit (KUNDUZGI TA'LIM SHAKLI)
3. Maktabgacha ta'lim tashkiloti tartibchisi (DUAL TA'LIM SHAKLI)
4. Kompyuter injiniring (SIRTQI TA'LIM SHAKLI)
5. Avtomobil transportida texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash (SIRTQI TA'LIM SHAKLI)

BU JUDA MUHIM !

O'qish muddati: 2 yil. O'qish shakli : kunduzgi, sirtqi, dual O'qish davlat buyurtmasi asosida, Davlat buyurtmasidan o'quvchilar soni ortgan vaqtda ular imtihon asosida qabul qilinadi. O'qish yakunida davlat namunasidagi diplom beriladi. Kimlar o'qiy oladi: 9-11 sinf maktab bitiruvchilari va undan yuqori yoshdagilar uchun

KERAKLI Hujjatlar !

1. Direktor nomiga ariza.
2. Fuqarolik pasporti.
3. Rasm (8,5X4,5) 6 ta
4. Shaxodatnoma, atestat asli va nusxasi.

Ta'lim masalasi o'z masalasi +998 97 692 64 70 +998 91 350 96 68 +998 90 377 77 32

Жорий йилнинг январь ойида фуқаролик ишлари бўйича туман судида кўриб чиқилган иш бир-бирига ўхшаш. Тошкент шаҳар бошқармасининг “APEX INSURANCE”, “Samsung Insurance” акционерлик жамиятлари манфаатларини кўзлаб жавобгар Асомиддин Боллиев, Гулбаҳор Урокова ва Муҳайё Алиқулвалалар (исми-фамилялар ўзгартирилган)га нисбатан зарар суммасини ундириш бўйича қиритилган даъво аризаларини кўриб чиқилиб, мазкур тадбиркорлик субъекти билан ўзаро олди-сотди шартномаси қилинган бўлса-да, кредит маб-
ва қ т д а тўламаган-
лиги сабаб-

Суд тўпналган ҳужжатлар ва олинган маълумотларга оидинлик киритиб, ҳар учала фуқаронинг ушбу тадбиркорлик субъектида қарзини ундириб бериш бўйича ҳал қилув қарорини эълон қилди. Демак, эндиликда М.Алиқуллова 19 миллион 975 минг 466 сўм, А.Боллиев 6 миллион 101 минг 150 сўм ҳамда Г.Урокова 8 миллион 581 минг 743 сўмлик сугурта зарарини қоплаб берадиган бўлдилар.

Л.УСАРОВ, фуқаролик ишлари бўйича туман суди раиси.

O'RIK MEVASINING SHIFOBAXSH XUSUSIYATLARI

O'zbekiston sintetik dori-darmonlar eng ko'p iste'mol qilinadigan davlatlar qatorida turadi. Albatta, zamonaviy tibbiyotda kimyoviy dori-darmonlarsiz yaxshi natijaga erishib bo'lmaydi. Biroq dunyo tabobati, xususan, xitoy, yapon tabobati misolida bugungi kunda kasallikni davolashda tabiiy usulda muolaja qilish borasida yuksak natijalarga erishilayapti, bu sohada mamlakatimizda ham tabiiy resurslar, imkoniyatlar yetarlicha. Jumladan, O'zbekistonda mavjud bo'lgan tarkibida inson salomatligi uchun zarur bo'ladigan deyarli barcha vitaminlar, makro va mikroelementlar bor bo'lgan shifobaxsh g'yojlar hamda mevalar boshqa dunyo mamlakatlarida kamdan-kam uchraydi. Zamonaviy meditsina kunlik iste'mol ratsionini asosan meva va sabzavotlar, tabiiy g'yojlar va dengiz mahsulotlari bo'lgan xalqlarda kasallikka chalinish juda kamligi, aksincha o'rtacha yashash darajasi ancha yuqori ekanligini allaqachon isbotlab bergan. Yuqorida tilga olganimiz Yaponiya davlati bunga yaqqol misol bo'la oladi.

Yilning to'rt faslida ham meva-chevalarga boy bo'lgan O'zbekistonimizda servitamin va shifobaxsh xususiyatlarga ega mevalar juda ko'p. Ular orasida o'rik mevasi alohida ajralib turadi. Mevasi pishgan hamda quritilgan holatda iste'mol qilinadigan o'rik tarkibida inson organizmi uchun zarur bo'lgan A, B, S, E vitaminlari, makro va mikroelementlar mavjud bo'lib, u asosan insonning ichki faoliyati, qon aylanish tizimi, qon tomirlari devorlarini mustahkamlash, yurak faoliyatini yaxshilash va xotirani tiklashga samarali yordam qiladi. Uning tarkibidagi fosfor, marganes, kaliy, bor, stroniy, alyuminiy va boshqalar ko'plab surunkali xastaliklar, jumladan, infarkt profilaktikasi alohida o'rinda turadi.

O'rik mevasing ko'pchilik unchalik bilmaydigan shifobaxsh xususiyatlaridan yana biri uning suyaklarga ijobiy ta'sir ko'rsata olishi, osteoporoz, anemiya bilan xastalanganlarga foyda berishidir. Shuningdek, organizmdan zaharli moddalarini



yangi uzilgan mevasidan ko'ra uning quritilgani (ishqorsiz tabiiy quritilgani) foydaliroqdir, chunki o'rik mevasi quritilganida uning tarkibidagi minerallar va vitaminlar to'liq icha saqlanib qoladi va o'z xususiyatini yo'qotmaydi. Uning danagi, hatto o'rik daraxtining barglari ham xalq tabobatiida keng qo'llaniladi. Xususan, o'rik bargidan tayyorlangan damlamalar shamollash, bag'am ko'chirish va bosh og'riqlarini qoldirishda yaxshi samara beradi. O'rik danagi ham zida inson organizmi uchun zarur bo'lgan foydali yog'lar mavjud vitaminlar damonsizlikni bartaraf etadi. Keyingi paytda dunyo olimlari o'rik danagi tarkibida saraton kasalligini yumshatuvchi moddalar borligini ham e'tirof etishyaptiki, bu kelgusida o'rik mevasingin biz bilmagan xususiyatlaridan yana biri kashf etilishiga ishoradir.

Xullas, salomatligini o'yagan har bir inson o'rikning yangi uzilgan yoki quritilgan holda muntazam iste'mol qilib turishi zarur. Faqat qandli diabet hamda gipertenzion kasalligi bilan kasallanganlar tibbiyot xodimlari maslahatiga amal qilib, me'yorida iste'mol qilishga ahamiyat qaratishlari lozim.

Jasmina BAXTIYOROVA, Alfraganus universiteti tibbiyot fakulteti davolash bo'limi, 2-bosqich talabasi.

ХАЛҚ ДУОСИНИ ОЛГАН ДАДАМ (Алим Қулматов хотирасига)

Ҳақиқатан, бу дунё икки эшик ораси экан. Тугила-сан, бир эшикдан кирасан, яънайсан ва бир кунни бошқа эшикдан чиқиб кетасан. Аммо энг муҳими сенинг икки эшик орасида қандай яшаганинг экан. Умринг давоми-да ўқийсан, изланасан, молу давлат тўплайсан. Яхши яшаб ўтсанг халқнинг дуосини олсан, ёмон яшагидан эса Оллоҳнинг ўзи асрасин...

Бу дунёда ҳар нарсаси ўз жұфти билан яратилган экан. Оқ ва қора, яхши ва ёмон, ой ва қуёш, осмон ва замин, тун ва кун, туғилмоқ ва ўлмоқ, Токи бошингизга бир синов тушса-гина атрофга теран назар ташларкансиз. Сиз учун ҳамма нарсаси абадийдек гўё... Аммо бир кунда, бир лаҳзада ёшингиз, вужудингиз анча кексаяркан. Яқинда суяңчим, меҳрибоним, мен учун ҳамма давлатдан устун бўлган инсоним дада-жонимдан айрилиб қолдим.

Дадажон... Сиз ҳақингизда ёзаёпману соғинч ёшлари кўзларимга яна қўйилиб келяпти. Қулиб тураману қалбим унсиз йиғлайди. Аёл киши бўлсам-да, атрофдагиларга кўз ёшларимни кўрсатишга уяламан. Соғинч ҳисси ўртаганда пана-пананда юм-юм йиғлайман. Отадек инсон топа олмас экансан бу дунёда. Ўзининг ҳаётдаги қийинчилик, хатоларини фарзандлари ҳаётида такрорланмаслиги учун ҳаракат қиладиган ягона инсон бу — ота. Фарзандлари келажаги учун ўз орзу-ҳавасларидан кечадиган инсон ота бўларкан. Ёдингизда тутинг, сочларидagi оқлар сиз яшаб турган тўкин-сочин ҳаётнинг қиссасини ҳикоя қиларкан.

Менинг дадам ҳам фарзандлари учун ҳамиша қалқон бўлганлар. Дадажоним билан озгина суҳбат қилсак фақат насихат, ҳалоллик, поклик, иймон, инсоф ҳақида гапирар эдилар. Ёшлиқдан билим олишга интилган дадажоним умрлари давомида катта лавозимларда ишладилар. Денов пахта заводида бир неча йиллар муҳандис, 1980-1985 йиллар Термиз тикувчилик фабрикасида раҳбар, сўнг Бойсун туманидаги тўқувчилик фабрикасида бош муҳандис, шаҳар советида раис ўринбосари, “Тонг юлдузи” фабрикасида раҳбар лавозимларида ишлаганлар. Анча йиллар Шўрсой маҳалла-сида маҳалла раиси бўлиб, халқ хизматида бўлдилар. Шун-дай лавозимларда ишласалар-да ҳаромдан ҳазар қилдилар, биз беш нафар фарзандни ҳалол лўкма билан ўстирдилар. Умрларининг сўнгги дақиқаларигача ҳаромдан қочишимизни, унинг жавоби қийин эканлигини бот-бот ўқтирадилар.

Ортимга назар ташласам, дадажоним бирор марта биз фарзандларига қаттиқ гапирмаган, жеркмаган эканлар. Фикиримизни узоқ эшитар эдилар, хато гапириб қўйсак секингина шундай дердилар: “Хамма фикрингиз тўғри, фақат мана бу фикрингизни озгина тузатинг”. Ана шу бизга берган танбехлари эди. Меҳрибоним, мени турмушга уза-тишдан олдин ёнларига олиб шундай дедилар: “Қизим, эр-тадан ўзга бир ҳонадон фарзанди бўласиз. Унутманг, бах-тингиз ўз қўлингизда. Икки оилани иноқ қилиб, борди-келдини мустаҳкамлаш ҳам сизга боғлиқ. Агар мени рози қилишга истасангиз шу оиллага туб қўйиб, палак ёзинг. Ўйимга юзингизда табассум билан кириб келсангизгина мен сиздан рози бўламан”. Дадажоним менга оддийгина сўзлар билан ҳаёт дарсини ўқтирадилар. Бу насихатла-ри умримнинг охиригача менга сабоқ бўлади.

Оллоҳ уларга яна бир қасбни инъом қилганди. Етмиш минг дардга шифо берадиган бод ўқийдиган бодхон эдилар. Аслида оиламизнинг бобоқалон-ларидан, яъни Мурод бобо, Қулмат бободан ме-рос қолганди. Илон, чаён чакса, сувчечак, гул чи-қарса, сариқ касалдан кейин қоладиган асорат-лар, дамлаб қолиш, ал-лергия, кўз огриғи... бун-дай касалликларнинг охи-ри йўқ. Умид билан кел-ган инсонлар дадажонимнинг нафаслари билан шифо то-пардилар. Уйимизга таъзияга келганларнинг раҳматли дадам ҳақидаги фикрларини эшитиб хурсанд бўламыз. Қанчадан-қанча илон-чаён чакқанлар, яра тошганлар дардларига шифо топганларини миннатдорчилик билан қайта-қайта айтишади. Яқинда бир аёл йиғлаб ёслади: “Бошимда катта без пайдо бўлди. Бормаган касалхонам, кўрсатмаган шифокорим қол-мади. Натиха йўқ эди. Охири шунчаки, қалбимга таскин бе-риш учун дадажон Алим аканинг ёнларига келдим. Йиғлаб дардимни айтдим. У киши мени эшитиб турдилар-да, пичир-лаб дуо ўқидилар. Кейин қайта-қайта, узоқ дам солдилар. Ҳар бир дам солганларида ўзимда ғалати нарсани сездим. Мен қандайдир енгил бўлаётгандим. Ўша кун илк марта ҳаётга бўлган қизиқишим қайта уйғонди. Уч кундан кейин Оллоҳнинг инояти билан бошимдаги тугун йўқолди. Қайта-қайта раҳмат айтдим. Оллоҳга шўқри, шу дарддан қутулдим”, дейди.

Дадажоним ортидан шундай чиройли раҳматлар эшитиш биз фарзандлар учун шарафдир. Халқимизда ўнг қўлинг бер-ганини чап қўлинг билмасин, деган нақл бор. Бу ҳикматга дадажоним доим риоя қилган эканлар. Маҳаллада ишлаган даврларида ҳам жуда кўпчиликнинг ҳожатини чиқарган экан-лар. Кимнидир томини ёпган, яна кимнидир қўли калталиқ қилиб ўтказолмаётган тўйини ўтказиб берган, ажрашиб ара-фасида турган оилаларни яраштирган, маҳалла учун кўприқ қурдирган ва ҳоказо. Қилган хайрли ишларининг охири йўқ назаримда. Дадажоним мен учун ягона, танҳо меҳрибон ин-сон бўлиш билан бирга онажоним учун меҳрибон умр йўлдош ҳам эдилар. Қарийб олтмиш йил бирга яшаган бўлсалар-да, бирор марта онамга қаттиқ гапирмаганлар. Онам бетоб бўлиб қолсалар дадам учун дунё қоронғу бўлиб қоларди. Умрлари-нинг охиригача онамга тиргақ бўлдилар. Дадажоним ана шун-дай бетакорон инсон эдилар...

Бугун уйимизга таъзияга келаётган халқ дуога қўл очиб, дадажонимнинг ҳақларига дуо қилиб, охиратлари обод бўли-шини сўрашапти. Халқнинг дуоси ижобат бўлсин. Илоҳим, илоҳим дадажонимнинг охиратлари обод бўлсин. Биз фар-зандлар уларга муносиб издош бўлайлик!

(Юқоридagi битиклар онамнинг ён дафтарида олинди).

Нилуфар АБДУРАУПОВА.

BOYSUN

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR Davron OROPOV

NAVBAATCHI: Nodira JO'RAQULOVA.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 1400 Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. «BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI: 190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta "Surxon tongi"va "Zarya Surxana" gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.